



Муттафақун алайх бўлган ҳадисда Муғийра ибн Шўъба розияллоҳу анҳу шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан сафарда бирга эдим. (У зот таҳорат олиб бошларига масҳ тортгач,) маҳсиларини ечмоқчи бўлдим, «Кўяверинг, уларни таҳоратли ҳолда кийганман» деб, уларга масҳ тортиб қўйдилар.

(Муттафақун алайх бўлган ҳадисда Сафвон ибн Ассол розияллоҳу анҳу шундай дейди: Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам, агар сафарда бўлсак, уч кеча-кундуз маҳсимизни ечмас(дан масҳ тортиш)га, фақатгина жунуб ҳолатда (ғусл учун маҳсини ечишга), лекин катта ва кичик қазои ҳожат ҳамда уйқу учун (ечмай масҳ тортаверишга) буюрар эди.)

Ином Термизий ривоят қилган ҳадисда Сафвон ибн Ассол розияллоҳу анҳу шундай дейди: Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам, агар сафарда бўлсак, уч кеча-кундуз маҳсимизни ечмас(дан масҳ тортиш)га, фақатгина жунуб ҳолатда (ғусл учун маҳсини ечишга), лекин катта ва кичик қазои ҳожат ҳамда уйқу учун (ечмай масҳ тортаверишга) буюрар эди.

(Муттафақун алайх бўлган ҳадисда :Сафвон ибн Ассол розияллоҳу анҳу шундай дейди: Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам, агар сафарда бўлсак, уч кеча-кундуз маҳсимизни ечмас(дан масҳ тортиш)га, фақатгина жунуб ҳолатда (ғусл учун маҳсини ечишга), лекин катта ва кичик қазои ҳожат ҳамда уйқу учун (ечмай масҳ тортаверишга) буюрар эди.)

Ином Муслим ривоят қилган ҳадисда Али розияллоҳу анҳу шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам мусофирига уч кеча-



кундуз, муқимга эса бир кеча-кундуз (маҳсига масҳ тортишга муҳлат таъйин) қилдилар.

Шарҳ:

Маҳсига масҳ тортиш дегани таҳорат билан кийилган маҳсини кейинги таҳоратида ечиб ўтирмай, қўлини ҳўллаб, бармоқларини маҳсиси устидан оёқ учидан тортиб тўпифигача юргизиб қўйиш. Ичи кўринмайдиган пайпоқ ҳам маҳси кабидир. Масҳ тортишнинг муддати биринчи масҳ тортилингган вақтдан бошланади. Муқим одам бир кеча ва кундуз, мусоғир киши уч кеча ва кундуз модомики ғусл вожиб бўлмаса маҳсини ечмай, таҳорат олганида масҳ тортиб юраверса бўлади.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1. Таҳорат билан маҳси кийган одам, маҳсисига масҳ тортиши суннат.
2. Жунуб ҳолдаги киши маҳсига масҳ тортиши жоиз эмас, ғусл қилиб, оёқларини ювиши шарт.
3. Мусоғир уч кеча ва кундуз, муқим эса бир кеча ва кундуз масҳ тортади, масҳ тортиш муддати маҳсини кийганидан сўнг таҳорати сингач, биринчи таҳоратда масҳ тортганидан бошланади.